

# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

## А. Т. УСМАНОВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Ахмад Тугилович Усманов** Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 8 январь.

Тошкент вилояти ҳокимининг Қарори

### Н. А. Раҳмановни Ангрен шаҳар ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ:

**Раҳманов Ибрагимжон Абсаматович** 2015 йил 9 январдан Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Ангрен шаҳар ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими **А. УСМАНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 8 январь.

Тошкент вилояти ҳокимининг Қарори

### Ф. Х. Хайруллаевни Чирчиқ шаҳар ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ:

**Хайруллаев Фурқат Хамидуллаевич** 2015 йил 9 январдан Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими **А. УСМАНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 8 январь.

Тошкент вилояти ҳокимининг Қарори

### Ш. Т. Ҳамраевни Бекобод тумани ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ:

**Ҳамраев Шодибек Турсунович** 2015 йил 9 январдан Тошкент вилояти Бекобод тумани ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Бекобод туман ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими **А. УСМАНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 8 январь.

Тошкент вилояти ҳокимининг Қарори

### Д. Н. Султоновни Бўка тумани ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ:

**Султонов Даврон Иброхимович** 2015 йил 9 январдан Тошкент вилояти Бўка тумани ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Бўка туман ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими **А. УСМАНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 8 январь.

Тошкент вилояти ҳокимининг Қарори

### Н. Н. Ҳасановни Бўстонлиқ тумани ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ:

**Ҳасанов Иброҳим Исмолович** 2015 йил 9 январдан Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Бўстонлиқ туман ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими **А. УСМАНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 8 январь.

Тошкент вилояти ҳокимининг Қарори

### С. С. Абдуллаевни Зангиота тумани ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ:

**Абдуллаев Содик Сабитович** 2015 йил 9 январдан Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Зангиота туман ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими **А. УСМАНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 8 январь.

Тошкент вилояти ҳокимининг Қарори

### Н. Н. Муҳамедовни Қибрай тумани ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ:

**Муҳамедов Нигмат Исраилович** 2015 йил 9 январдан Тошкент вилояти Қибрай тумани ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Қибрай туман ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими **А. УСМАНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 8 январь.

Тошкент вилояти ҳокимининг Қарори

### Р. Й. Убайдуллаевни Оҳангарон тумани ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ:

**Убайдуллаев Рустамжон Йўлдашбоевич** 2015 йил 9 январдан Тошкент вилояти Оҳангарон тумани ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Оҳангарон туман ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими **А. УСМАНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 8 январь.

Тошкент вилояти ҳокимининг Қарори

### У. Н. Алимовни Паркент тумани ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ:

**Алимов Уктам Нематуллаевич** 2015 йил 9 январдан Тошкент вилояти Паркент тумани ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Паркент туман ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими **А. УСМАНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 8 январь.

Тошкент вилояти ҳокимининг Қарори

### М. А. Эшоновни Чиноз тумани ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ:

**Эшонов Махмуд Ахмадович** 2015 йил 9 январдан Тошкент вилояти Чиноз тумани ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Чиноз туман ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими **А. УСМАНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 8 январь.

Тошкент вилояти ҳокимининг Қарори

### Р. М. Норбўтаевни Янгийўл тумани ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ:

**Норбўтаев Равшан Мамараимович** 2015 йил 9 январдан Тошкент вилояти Янгийўл тумани ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Янгийўл туман ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими **А. УСМАНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 8 январь.

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Унинг ишида вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, бошқармалар, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари иштирок этди.

Сессияга Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Хотам Сайдахмедов раислик қилди.



Сессия вилоят сайлов комиссиясининг раиси Убайдулла Абдушохидовнинг Халқ депутатлари вилоят Кенгашига ўтказилган сайлов якунлари ҳақидаги ахборотини тинглаб, маълумот учун қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 17 ва 24-моддаларига мувофиқ Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган 60 депутатнинг ваколатларини эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, сессия Халқ депутатлари вилоят Кенгашида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган депутатларнинг тегишли партия гуруҳларини рўйхатга олиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқди. Ўзбекистон Республикаси "Сийёсий партиялар тўғрисида"ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ ҳамда тўрт сийёсий партиялардан сайланган депутатларнинг алоҳида алоҳида муножаатларини инобатга олиб, кенгаш тегишли партия гуруҳларини рўйхатга олиш тўғрисида қарорлар қабул қилди.

Шункор Умирзоқов Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Камолжон Шодиметов Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Абдуҷаббор Саъдуллаев Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Дамир Сиддиқов Ўзбекистон Халқ демократик партияси тегишли депутатлик гуруҳларининг раислари сифатида рўйхатга олинди.

Сессия Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Сессия "Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тақдим этилган номзодни тасдиқлаш тўғрисида"ги масалани ҳам кўриб чиқди. Ушбу масала юзасидан Президент вакили – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Азимов сўзга чиқди. Масалани муҳокама этиш чоғида сийёсий партиялар депутатлик гуруҳлари раҳбарлари Шункор Умирзоқов, Камолжон Шодиметов, Абдуҷаббор Саъдуллаев ва Дамир Сиддиқов сўзга чиқди.

Сессия Аҳмадjon Усмановни Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқлади.

Сессия "Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тақдим этилган номзодни тасдиқлаш тўғрисида"ги масалани ҳам кўриб чиқди. Ушбу масала юзасидан Президент вакили – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Азимов сўзга чиқди. Масалани муҳокама этиш чоғида сийёсий партиялар депутатлик гуруҳлари раҳбарлари Шункор Умирзоқов, Камолжон Шодиметов, Абдуҷаббор Саъдуллаев ва Дамир Сиддиқов сўзга чиқди.

Сессия Аҳмадjon Усмановни Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида

## САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ ТУЗИЛДИ

7 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов бошқарди. Мажлисда "Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлов тўғрисида"ги Қонунининг 9 ва 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон

Республикаси Президентининг сайлов тўғрисида қарор қабул қилинди. Округлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузилди.

Қарорга кўра Тошкент вилояти сайлов округи вилоят молия бошқармаси – Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси 17-уйда жойлаштириш ва округ сайлов комиссияси вилоят чегараси доирасида фаолият юритиши белгиланди. Вилоятдаги сайловчилар сони 1 миллион 905 минг 858 та эканлиги расман эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қарори

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ САЙЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари сайлови бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли кўшма мажлислари Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари

1. Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларининг биринчи ташкилий сессиялари 2015 йилнинг 9 январига қадар ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари сайлови бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг кўшма мажлислари ўтказилган жой ва биноларни белгилаш, уларни жиҳозлаш

ва иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига депутатларнинг кўшма мажлислари ўтказилган жой ва биноларни белгилаш, уларни жиҳозлаш

ва иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари сайлови оид сайлов бюллетенларини Марказий сайлов комиссиясининг 2005 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари сайлови оид сайлов бюллетени намунасини тасдиқлаш тўғрисида"ги 241-сон Қарор

Марказий сайлов комиссияси Раиси

**М. АБДУСАЛОМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2014 йил 31 декабрь.

Мазкур қарор иловасига мувофиқ Тошкент вилояти, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг кўшма мажлиси 2015 йил 13 январь куни Чирчиқ шаҳрида ўтказилади.

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

# ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

Тинчлик, осойишталик, хотиржамлик ҳукми сурган юртда эзгу ишлар ҳаммаш бардавондир. Бу ҳаётий ҳақиқатни халқимиз истиқлол йилларида Ўзбекистон Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислоҳ Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли исло-

ҳотлар, жумладан, ҳамжихатлик, бағрикенглик, олижаноблик ва меҳроқибат каби инсоний хислатлар ҳар қачонгидан ҳам юксакларга кўтарилиб, осмонимиз мусаффолигини асраб-авайлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлидаги беқийёс саъй-ҳаракатлар самарасида яққол кўриб турибди.

мосида Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилишга тайёргарлик кўраётган минг-минглаб шижоатли ёшларимизнинг юксак орзу-интилишлари ўз аксини топган.

Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланаётган шу кунларда Ватанга қасамд ҳайкали атрофи ҳар қачонгидан гавжум. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари, юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонлар бу муаззам монументни зиёрат қилар эканлар, унинг тимсолида жисмонан ва маънан етук, эл-юртимизга садоқатли, мард йигитларимизни кўргандек бўладилар.

Бир пайтлар ота-оналар ўғлини қандай йўллар билан бўлмасин, армиядан олиб қолишга уринган бўлса, бугун улар фарзандларининг муддатли ҳарбий хизматни ўташини чин дилдан истамоқда. Сабаби, бугун

армиямизда соғлом муҳит, аскарлар учун замонавий шарт-шароитлар яратилган, уларга турли имтиёзлар берилган.

Йигитларнинг хизматга келишидан олдин жиддий тайёргарликдан ўтгани ҳарбий қисмларда аскарларнинг тартиб-интизомга тез кўниқишида, машғулотларни яхши ўзлаштиришида яққол намоен бўлмоқда. Айни пайтда Ватанга қасамд ҳайкали олий ҳарбий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнида, хусусан, курсантларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини юксалтиришда ўзини хос монументал дарслиқдир.

Ҳар томонлама ҳаётий асосга, катта тарбиявий аҳамиятга эга бу мухташам монумент шу юртда униб-ўсган, унинг бугуни ва эртанги кунини ўйлаб яшаётган ҳар бир инсонни фикрлашга, осуда, хотиржам, фаровон ҳаётимизнинг кадрига етишга ундайди. Бу миллий армиямиз ёшларни баркамол инсон қилиб вояга етказадиган том маънодаги ҳаёт мактабига айланганидан далолат беради. Миллий армиямиз сафлари эса шу эътибор ва ғамхўрликни, мустақиллик ва тинчликни қадрлайдиган, мард, жасур, ўз кучи ҳамда салоҳиятига ишонган йигитлар ҳисобига кенгаймоқда. Зеро, бундай хислатларга эга Ватан ҳимоячилари халқимизнинг тинч ҳаёти, хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлашнинг ишончли кафолатидир.

Мирислоҳ БАДАЛОВ, тадқиқотчи.



Чирчиқ sanoat iqtisodiyat kasb-xunar kollezhining chakirixqa qadar boshlangich taybergarlik fani uqituvchisi Davron Nazarov navbatdagi darsdan s'ung uquvchilarga 14 yanvar - Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan uйда mustaqil ravishda yaqin kishilari uchun tabrik xati taybergarlik vazifasini topshirdi.

## МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ САБОҚЛАРИ

Коллеж ўқувчиси Абдуғаффор Исмоиловга бу топшириқ ўта масъулиятли бўлиб туюлди. Бониси, айни пайтда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар орасида унинг акиси ҳам бор. Абдуғаффор бу галги табрик аввалгиларидан кескин фарқ қилишини, унга битилажак сўзлар самимий бўлиши ва табрик мактуби ўқувчиси қалбиди ҳақиқий юрт ҳимоясига хос қатъият, ўқитимлик ва ватанпарварлик туйғусини янада кучайтиришини истади.



Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан "Ватан – улуг, бурчим – муқаддас" шiori остида ўтказилган мазкур табрик нафақат Абдуғаффор, балки бутун коллеж ўқувчиларининг шундай табрикномалар битишларига туртки бўлди.

Табдирда Президентимиз раҳнамолигида ҳарбий соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани, ҳарбий қисм ва таълим муассасаларида ҳарбийлар учун барча зарур шароит яратилгани алоҳида таъкидланди.

Табдир доирасида ўтказилган мардлик ва жасорат дарсларида мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги

ва худудий яхлитлигини таъминлаш, барқарор ва изчил демократик тараққийимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни янада такомиллаштириш йўлида улкан ишлар амалга оширилаётгани, фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитлари яхшиланаётгани хусусида сўз юритилди.

– Ҳарбий акаларимизнинг маърузаларини тинглаб, Ватанимизнинг бугунгидек тинч, осуда ҳаёти жуда катта меҳнат эвазига таъминланаётганини янада чуқур ҳис қилдим, – дейди Чирчиқ sanoat iqtisodiyat kasb-xunar kollezh'i ўқувчиси Дониёр Камолов.

Чирчиқ Олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳарбий оркестри жамоасининг концерт дастури ҳамда коллеж ўқувчиларининг бадиий чиқишлари табдирга алоҳида завқ бағишлади.

Ў.А.

## «ШУНҚОР»ЛАР БЕЛЛАШДИЛАР

Ҳар йили Ватан ҳимоячилари куни олдида ўтказиладиган «Шунқорлар» танлови Куйи Чирчиқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-хунар коллежида бошланди.

Унда бўлғуси Ватан ҳимоячилари арқон тортиш, тош кўтариш, югуртиш, милтиқдан ўқ отиш, граната улоқтириш, мавзуга оид саволларга жавоб бериш бўйича ўз қобилиятларини намойиш этишди. Шу ўринда тумандаги барча коллеж ўқувчилари танловда фаол қатнашгани, ҳар бир ўқувчининг ас-

тойдил тайёрганини эътироф этиш жоиз. Улар орасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги коллежи биринчи, агроиктисодиёт коллежи иккинчи, хизмат кўрсатиш ва сервис коллежи ўқувчилари учинчи ўринни эгаллаб, томошабинлар олқишига сазовор бўлишди.

Сайёра ЭШМАТОВА.

### Аграр тизим



Куйи Чирчиқ туманидаги "Саид Эркин" фермер хўжалиги мукамал техника базасига эга, яъни четдан ёллашнинг ҳождати йўқ. – Биз барча техникаларимизни аллақачон таъмирлаб қўйганимиз, – дейди фермер Эркин Саидқосимов. – Шундай бўлсада уларни яна бир бор кўздан кечираяёмиз.

СУРАТДА: Эркин Саидқосимов (чапда) ва механизатор Суннат Алимов. Даврон АҲМАД олган сурат.

## ТЕХНИКАЛАР ТАЙЁРЛИК ЧИЗИГИДА

Бекобод туманидаги Навоий номли фермерлар уюшмасида дала ишлари тугаши билан 14 та фермер хўжалигининг техникалари машина-трактор паркига

тўлланиб, марказлашган ҳолда таъмирлаш бошланди. Бу ишга жалб этилганларга бепул тушлик ташкил қилиниб, қулай шароитлар яратилди.

Бугунгача деярли барча техника воситалари кўламли экиш мавсумига тайёрлаб қўйилди. 14 та

чопис трактори, 11 та севлка, 2 та ер текислаш, 6 та пушта олиш, 6 та ўқариқ олиш ва кўмиш

мосламалари тайёрлик чизига қўйилиб, яна бир бор кўздан кечирилмоқда. Карим МАВЛОНОВ.

Тошкент вилоятида чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор юксак самаралар бермоқда. Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпай-

тиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Мазкур ҳужжат ижроси доирасида амалга оширилган ишлар туфайли вилоятдаги қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликлар зотдор ва сермаҳсул чорва моллари, омихта ем ва ширали озуқа билан таъминланди. Зооветеринария ва бошқа сервис хизматлари кўрсатиш сифати янада яхшиланди.

Юқори Чирчиқ, Чиноз, Зангиота туманларидаги "Тано", "Юлдуз", "Дилғиё файз барака", "Роҳатой" каби хўжаликларнинг подалари насли молларнинг "Олтин фонди"га киритилди.

– Президентимиз раҳнамолигида чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор самарасида вилоятимизда шу йўналишдаги фермер хўжаликлари беш юздан ошди, – дейди вилоят кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси масъул ходими Шакарбой Деҳқонбоев. – Фермаларда қорамол етти юз минг бошга яқинлашди. Чорвадорларимиз йилга 200 тоннага яқин гўшт, 700 минг тоннадан ортик сут етиштирмоқда.

Маҳсулот мўл ва сифатли бўлиши учун, аввало, мустаҳкам озуқа базасини яратиш зарур бўлади. Буни яхши билган мутасаддилар яйловлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Зангиота, Бўстонлик, Оҳангарон, Қибрай каби қатор туманларда 40 минг гектарга яқин ерда ем-хашак етиштириляётир. 18 омихта ем ва шрот сотишга мўлжалланган бирлашмалар қошида 164 шохобча фаолият кўрсатмоқда.

Бу борада амалга оширилаётган ишлардан кўзланган асосий мақсад – вилоятда боқилаётган чорва, жумладан, 2014 йили Германия, Украина,

## СИГИРНИНГ СУТИ ТИЛИДА



Польша, Чехия, Словакия ва Австрия давлатларидан келтирилган тўрт минг бошдан зиёд Симентал қизил-ола ҳамда Голштин қора-ола зотли молларнинг насл ва маҳсулдорлигини ошириш.

Мутахассисларнинг фикрича, юқори озиклантириш ва сақлаш муҳитида боқилган зотли сигирлар йилига 5-6 минг килограмм сут беради. Шунинг учун ҳам бу сигирлар жуда қулай шароитга ўта талабчан. Борди-ю, бунинг акси бўлса, уларнинг маҳсулдорлиги ва бузоқ бериши пассив кетади. Турли касалликларга чалинади. Чорва молла-

рининг насли ва маҳсулдорлигини янада оширишда икки юзга яқин зооветеринария хизмати кўрсатиш шохобчаларининг фаолияти қўл келаётир.

Вилоят давлат ветеринария назорати бошқармасидан маълум қилишларича, эпизоотик вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, четдан юқумли касалликларнинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, вилоятдаги барча мол ва деҳқон бозорларида, чорва молларини сўйиш майдончаларида, гўшт дўконларида давлат ветеринария на-

зорати фаолияти янада кучайтирилган. Қўшни давлатлар билан чегарадош худудларда аҳоли қарамоғидаги хайвонларни эмлаш мақсадида махсус гуруҳлар ташкил этилиб, зарур дезинфекцияловчи моддалар билан етарли даражада таъминланди.

Аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талабини узлуксиз қондиришда Зангиота, Чиноз, Янгийўл, Пискент, Бўстонлик туманларидаги қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликлар қаторида Қибрай туманидаги "Чинобод Мираҳмедов Шухрат" фермер хўжалигининг ҳам муносиб ўрни бор.

2007 йили ташкил этилган мазкур хўжаликда ўтган йиллар давомида моллар юзлаб бошга кўпайди, қўшимча молхоналар ташкил этилди. Кунига 2,5 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга цех фаолияти йўлга қўйилди. Натижада хўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорлиги ошди, турмуш фаровонлиги юксалди. Янги иш ўринлари яратилди.

– Узоқ йиллик тажрибага эга чорвадорлар "Сигирнинг сuti тилида", деб бежиз айтишмас экан, – дейди фермер Ш. Мир-аҳмедов. – Боққанга яраша насли мол боққан маъқул. Чунки, соғиб олинган сут қилинган харажати оқлайди. Озуқа зое кетмайди.

Чорвадор сўзида собит қолди. 2014 йили тижорат банкидан олинган 300 миллион сўм кредит маблағига Германиядан олтиш бошдан зиёд қора-ола зотли моллар келтириб, чорва сонини кўпайтирди.

Айни пайтда мазкур хўжаликда уч юз бошга яқин қорамол боқилмоқда. Кишловга пухта ҳозирлик қўрилгани, етарли миқдорда озуқа захираси яратилгани қиш мавсумининг беталафот ўтишини таъминляётир.

Бекзод ХИДОЯТОВ, Ў.А. муҳбири.

## СЕРДАРОМАД СОҲА

Оҳангарон туманида паррандачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Ohangaron chicken industry" масъулияти чекланган жамиятида замонавий технология ва ускуналар ўрнатилган, иш сифати ва самарадорлиги янада ошди.

Паррандаларни тўғри озиклантиришни йўлга қўйилгани ўз самарасини бераётир. Жамиятда парваришланаётган 80

минг бошга яқин товукдан кунига 50 минг дона тухум олинмоқда. "Ohangaron chicken industry" да 15 нафар киши меҳнат қилаётир. 2015 йили ишлаб чиқариш хажмини ошириш режалаштирилган. Бу иш амалга осса, яна ўнга яқин янги иш ўрни яратилади.

Ў.А.

## ЭНГ ЯХШИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Юқори Чирчиқ туманидаги "Само" базмида 2014 йил якунларига бағишланган "Ҳосил байрами" тадбири бўлиб ўтди.

Тумanning ижтимоий-иқтисодий юксалишида жонбозлик кўрсатган турли соҳа вакилларини қўлаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва фаолиятини оммалаштириш мақсадида ўтказиляётган анъанавий тадбирда энг яхши фермер, корхона, ташкилот, таълим муассасаси, кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини, сайлов участкаси, ИИБ ва кишлоқ хўжалик ходими ҳамда намунали обуначилар номи аниқланди.

– Туманимиз илгорлари қаторида эътироф этилганимиздан жуда



хурсандимиз, – дейди "Энг яхши фермер" номинацияси голиби, "Хусанов Шокирвали" фермер хўжалиги раҳбари Ш. Хусанов. – Аслида, биз каби деҳқонлар учун фермерлик ҳаракати қаратилган эътибор, яратиб берилган имко-

ниятлардан ортик рағбат йўқ.

Табдир якунида, барча номинация голибларига хомийларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Аваз БЕКОВ, Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.



Навоийни ўқиб



эришганидан сўнг, бой маънавий-маърифий меросимиз, маданий тарихимиз ўзининг асл баҳосини ола бошлади. Халқимизга қайтариб берилган бу улкан маданий мерос нафақат тарих воқеаларидан огоҳ этмоқда, айни пайтда, биз ёш авлоднинг таълим-тарбиясида, қомил инсон бўлиб вояга етишимизда муҳим ўрин тутмоқда.

мукаммаллиги шу даражадаки, ҳали-ҳануз бу меросга бутун инсоният хайрат кўзи билан боқадди ва ундан жуда кўп сифатларни кашф этиб келади. Таъкидлаш жоизки, Алишер Навоий ижодида бўлган эътибор мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг қўриго поғонага кўтарилди. Президентимизнинг сазой

улуг сўз санъаткорларидан бўлиб, унинг турли адабий жанрларга оид асарларига жаҳон адабиёти намоёндалари ҳам юксак баҳо беришган. Айниқса, Навоийнинг туркий тилда беш дostonдан иборат "Ҳамса"ни яратгани ўзбек адабиётини юксакликка кўтарди. "Ҳамса"нинг биринчи дostonи – "Хайрат ул-аб-

тинч-тотув яшашга, маърифатга интилиш, фидойилик каби барча ижобий фазилатларни Фарҳод, Ширин, Шопур, Меҳинбону тирсоллари орқали гавдалантисориб берди. Навоий "Лайли ва Мажнун" дostonида бир-бирини жондан ортқ севган икки ёшнинг тақдири орқали ишқ фожиясини тасвирлаб, ижти-

лигини саргузашт асарларга хос услубда ёритиб берган. Бу ҳикоялардаги ранг-барангликлар жамият ва инсонлар ҳаётидаги жараёнларга ишора эди. Навоий "Сади Искандарий" дostonида қадим Юнон подшоҳи, жаҳонгир Искандарнинг шахсини, ҳарбий юришларини, маърифатпарварлигини ҳақиқий эпик услубда тасвирлар экан, бу билан у тарихни, унинг ибратли томонларини, илмий ютуқ ва кашфиётларини, даҳшатларини, бутун маҳобати билан бадиий гавдалантисориб, қайта тирилтирмоқчи мақсад қилади ва бунга эришадиган.



КИМЭВИЙ КУРОЛ ЭНДИ ЧИКАРИЛМАЙДИ

Сурияда кимэвий курул-яроғ ишлаб чиқариладиган объектларни йўқ қилиш жараёни бошланди. Бутунжаҳон курулсизланиш масалалари ташкилоти бoш қотиби вакили Ангела Кейн БМТ Ҳавфсизлик Кенгашига ушбу жараён бошлангани ҳақида маълумот берди. Унинг таъкидлашича, ангар ва ер ости иншоотларидан иборат 12 та шундай объектни тугатиш олти ой давом этиб, шу йилнинг июнь ойи охирида яқуланган. Ушбу операция ҳозирданок бошлаб бoрибди. Дастлабки объектни йўқ қилиш январь ойига белгиланган.

БМТ Ҳавфсизлик Кенгашидаги бир қатор Фарб мамлакатлари Сурия ҳукумати ўзининг кимэвий курул-яроғ дастурига оид муайян ахборотларни яширган бўлиши мумкин, дея хавотирлик билдирмоқда. Расмий Дамашқ эса бу эҳтимоллари қатъий рад этди.

ИШИСИЗЛИК РЕКОРД ДАРАЖАГА ЕТДИ

Италияда ишисизлик меҳнатга яроқли аҳолининг 13,4 фоизини қамраб олиб, мамлакат тарихида рекорд даражага кўтарилди. Мамлакат миллий статистика институти ўз сайтида эълон қилган ушбу хабарга қараганда, бу 1977 йилдан бунгигача энг юқори натижадир.

Миллий статистика институти маълумотларига кўра, ишисиз италияликлар 3 миллион 457 кишига етди. Бу ўтган йилнинг октябр ойидаги нисбатан 1,2 фоизга кўпдир. Айниқса, 15-24 ёшдагилар ўртасида ишисизлик ҳадад ўсиб бoрмоқда. Ҳозир шу ёшдаги ишисизлар 12,2 фоизни, умуман олганда, ёш италияликлар мамлакатдаги умумий ишисизларнинг 43,9 фоизини ташкил этмоқда.

AIRASIA ТОВОН ТўЛАЙДИ

РИА Новости агентлиги тарқатган хабарда маълум қилинишича, AirAsia авиакомпанияси самолёти ҳалокатга учрагани оқибатида ҳалок бўлган йўловчилар оилалари 100 минг доллардан тоvon пули олади. Компания президент-директори Суну Видятмоконинг агентликлка берган интервьюсида айнан шу сўзларда тоvon тўлашни Индонезия ҳукумати талаб қилгани айтилган. Гап шундаки, 7 январь куни Яван денгизида ҳалокатга учраган самолёт қолдиги топилди. Ҳалокат жойида қидирув-кутқарув ишлари давом этмоқда.

Авиакомпаниянинг Airbus A320-200 самолёти Сингапур томон парвоз қилиб бoраётиб, қутилмаганда радардан йўқолиб қолди. Унинг бортида 155 йўловчи ва 8 экипаж аъзоси бор эди. Қидирув операцияси жараёнида 39 кишининг жасади топилди. Тахмин қилинишича, ўта ноқулай об-ҳаво шароити туфайли самолёт пўртана булутга дуч келгани ҳалокатга сабаб бўлган.

САМОЛЁТ ҚУЛАДИ, ЙЎЛОВЧИЛАР ОМОН ҚОЛДИ

Янги Зеландияда йўловчи самолёти ҳалокатга учради. Бироқ, Associated Press агентлигининг ёзишича, йўловчилар ва экипаж аъзолари ўлимдан қутулиб қолди.

Skydive Taupo авиакомпаниясига қарашли ушбу самолётда мамлакатнинг Шимолий оролидаги Таупо қўли яқинида авария ҳолати юз берди. Унинг бортида 13 киши – 6 йўловчи, 6 экипаж аъзоси ҳамда лайнер командири бор эди. Носозлик туфайли самолёт тобора паства кулаб бoраётганида экипаж аъзолари ҳаммаи парашют билан таъминлашга улгурди. Sun Herald нашрининг хабарига кўра, йўловчилар экипаж аъзолари ҳамкорлигида самолётдан бирин-кетин сакрашган. Сўнги жуфтлик самолётни тарқ этгандан сўнг бир неча сониягина вақт ўтгач, ҳаво лайнери Таупо қўлига қулади. Самолётда қолган учувчи эса ўз кучи билан қўл қирқоғиғача сузиб бoришга муваффақ бўлди.

Махаллий полиция матбуот қотиби Ким Перкснинг таъкидлашича қараганда, йўловчи ва экипаж аъзолари зудлик билан тиббий қўриқдан ўтказилди. Маълум бўлишича, ҳеч ким жиддий жабрланмаган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

МАЪНАВИЯТГА ЙЎҒРИЛГАН САТРАЛАР

Жамият ободлиги ва ривожини унда яшаётган кишиларнинг маънавий ва маърифий олами-нинг бойлиги, интеллектуал салоҳияти билан бевосита боғлиқдир. Яъни, маданий-маърифий салоҳияти юксак миллатнинг истиқболли ҳам порлоқ ва фаровон бўлади.

Миллий меросимизнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти ҳақида тўхталар эканмиз, бу борада, айниқса, аждодларимиздан бизгача етиб келган бебаҳо адабий асарларнинг ўрнини алоҳида таъкидлаш жоиз, деб ўйлаймиз. Унинг ўлмас асарлари билан жамиятни тарбиялашга ҳисса қўшган улуг алломаларимиз хусусида гап кетар экан, энг аввало, ҳар биримизнинг тасаввуримизга ҳазрат Мир Алишер Навоий сиймоси келиши, шубҳасиз. Зеро, Алишер Навоий бобомиздан мерос қолган асарларнинг қўлами ва

ҳаракати ва ташаббуси билан сўз санъаткорининг номи қайта қадр топди. Мамлакатимизда Алишер Навоий ижодини ўрганишнинг янги босқичи бошланди. Улуг бобомизнинг асарлари тўплами биринчи марта тўлақонли тарзда чоп этилиб, китобхоналар қўлига бoриб етди. Сўз мулкнинг султони Алишер Навоий ижоди олти асрдан буюн ўчмас зиё бўлиб, қалбларимизни ёритиб, эзулиқча қорлаб, тўғри йўлга бошлаб келмоқда. Алишер Навоий нафақат ўзбек адабиётида, балки жаҳон адабиётида ҳам энг

роҳ фалсафий-таълимий йўналишда бўлиб, ҳаёт ва табиат муаммоларини изоҳлаш, жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар ҳақида ҳамда инсонни юксак фазилатлар ва ақидалар билан яшашга даъват этишга, эътиқодни мустаҳкамлашга қаратилган. Иккинчи дoston "Фарҳод ва Ширин"да Навоий ярим афсонавий, ярим тарихий воқеаларга янгича маъно бериб, асар бoш ҳаётини сифатида Хусравни эмас, илм-ҳунар кишинини танлади ва ўз гоёлари билан боғлиқ мардлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, ҳалоллик,

моний тенгсизлик ва адолатсизлиқнинг қоралади. "Сабъи сайёр" дostonида қадимги Эрон подшоҳларидан Баҳром образи орқали кучли шахс муаммоси, ундаги ички зиддиятлар, унинг ташқи муҳит билан тўқнашуви, фожияси, гўзаллик ва дағаллик орасидаги келишмовчиликлар тасвирланган. Бу воқеалар тасвирига турли мавзулардаги еттига ҳикоя киритилганки, улар орқали шоир дунёнинг етти қилимда инсонлар турли воқеа ва ҳодисаларга дуч келаётгани ва уларни турлича ҳал этаётгани, хилма-хил ахлоқий қарашлар мавжуд-

Танлов



Тошкент фотосуратлар уйда маънавий ҳаётимиз, миллий урф-одат ва қадриятларимизни асраб-авайлашда маҳалланинг ўрнини фототўждлар орқали очиб бериш, профессионал ҳамда ҳаваскор фотоиждокорларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган "Маҳалла – маънавият ўчоғи" танлови голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ҲАМКАСБИМИЗ ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Бадий академияси, "Тасвирий ойна" иждоий уюшмаси ҳамда Республика маънавият-тарбия маркази ҳамкорлигида ўтказилган танловда мамлакатимизнинг турли худудларидан 30 нафарга яқин фотоиждокор 400 дан ортқ асарлари билан қатнашди. Қувонарлиси, танловда иштирок этган ҳамкасбимиз Кобилжон Ғофуровнинг

ижодий ишларида миллий ва маънавий қадриятлар, турли миллат вакилларининг ўзаро аҳил-иноқлиги, қўшничлик, меҳр-оқибат тушунчалари ҳар жиҳатдан яхши очиб берилгани эътироф этилди. Танлов якунида, голиб ва совридорлар қаторидаги сўнг оилан ҳамкасбимизга сертификат ва эсдалик совғалари топширилди. **Аваз БЕКОВ. Муаллиф олган сурат.**

Кўргазма

ТАБИАТ ВА РАССОМ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида анъанага мувофиқ навбатдаги "Табият ва рассом" кўргазмаси очилди. Экспозициядан 300 га яқин рангтаъсир, графика ва ҳайкал-тарошлик асарлари ўрин олган.

Ортимиз табияти манзараларини қатор рассомлар асл тимсолида эҳтисорлаб бўлса, айрим иждоикорлар ўзига хос услубларда, худуди кўрсатилмай, умумлаштирилган ёки декоратив тарздаги композицияларга айлантиришган. Улар орасида вилонийнинг гўзал манзараларини тасвирга туширган Я. Салпинкиди, А. Мирсоатов, Р. Гаглоева, В. Чуб, Х. Мирзахмедов, Д. Мамадова каби таниқли рассомлар ҳамда ёш иждоикорлар манзара

жанридаги асарлари билан қатнашмоқда. Уларнинг "Оқтош ҳақида дoston", "Ҳожикент узра тераклар", "Хумсон", "Паркентда куз", "Чирчиқ водийси", "Сўқоқ-да биринчи қор", "Сўқоқ", "Чотқол оқшоми", "Чимён посёлкаси", "Паркент" каби 40 га яқин асарлари томошабинга кўтаринки руҳ бағишлаш билан бирга мулоҳазаларга қорлайди. Кўргазма 20 январьга қадар давом этади. **Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

ЭЪЛОНЛАР

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан Тошкент шаҳар Сергели тумани Спунтқи-9 мазе, 61-уй манзилида жойлашган "АДИП" МЧЖ номига берилган бoсмаҳона ва омонбон учун ТА № 0836475 серияли бино ва О'У № 214072 серияли ер кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Навоий вилояти Хатирчи тумани ТСРЎ томонидан 11.05.2012 йилда гувоҳнома рақами № 000977 билан рўйхатга олинган "PROGRESS DEVELOPMENT" хусусий қорхонасига тегишли бўлган бир дoна думалок муҳр ҳамда бир дoна бурчак тағисли йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Яшнобод (сoбик Ҳамза) тумани 06.03.2014 йилда № 0708957 реестр рақами билан рўйхатга олинган яқна тартибдаги тадбиркор "Исроилова Ҳақикатон Ҳакимжонова" га тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Яшнобод (сoбик Ҳамза) тумани ТСРЎ томонидан рўйхатга олинган яқна тартибдаги тадбиркор "Шафайёев Бoхидир Бахтиёр ўғли" га тегишли бўлган бир дoна думалок муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Фармацевтика институти томонидан 2012 йилда Рузиева Насиба Ҳидаяровнага тегишли бўлган малака ошириш тўғрисидаги сертификат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳоқимлиги

Болажон куйлаганда

ҚУЁШЛИ ЎЛКАСАН, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Пискент туманидаги 30-муслиқ ва санъат мактабида Соғлом бола йили якунига бағишланган ҳисобот концерти бўлиб ўтди. Тадбирдан кўзланган мақсад – ёш истеъод эгаларининг санъат сирларини қай даражада ўзлаштираётганларини синовдан ўтказишир.



Мангулик умрини кўрган бўстоним, Айтилиб бўлмаган тарих дostonим. Эртаси умидли дориламоним, Кўёшли ўлкасан, Ўзбекистоним! Ушбу кўшиқ билан бошланган концерт дастурида ўқувчилар бор марҳумларини кўрсатдилар.

– Йигит-қизлар орасида чинакам иқтидор соҳиблари бор, – дейди "Ёшлик" гуруҳи раҳбари Ботир Одилов. – Уларни юзга чиқариш, ўз устидарида ишлашга ўргатиш бизнинг вазифамиз.

– Рақса қизиқимиз сабаб, шу мактабда таҳсил олишни истадим, – дейди Мубинахон Ҳошимова. – Уларни кўл ҳаракатлари, рақс жозибасини ошириш усулларини кунт билан

ўрганаёпман. Келажакда бу санъатни мукамал эгаллаб, ўзбек рақсини жаҳон сахналарига ижро этиш ниятидам.

Ирода МАКСУДОВА. Кобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

Жиноятга жазо муқаррар

Тахририят топшириғи билан мақола тайёрлаш учун нарколо-гик диспансерга бoрган эдим. Манзарани обдон кузатгач: "Бу даргоҳга шифо излаб келган одамларнинг тақдирини душманамизга ҳам раво кўрмаган бўлардим", деган фикр хаёлимдан ўтди. Гиёҳвандлик балоси шу кичкина шифохонанинг ўзида қанчадан-қанча ёш умрларни барбод этиб, гулдек оилаларни тўзишга олиб келаятганига гувоҳ бўлдим. Буни дунё микёсида кўз олдимизга келтирсак, гиёҳвандлик иллати қанчадан-қанча одамларни домига тортаётгани ва оқибатда яна кўплаб кишилар, айниқса болалар азият чекаётганини англаш қийин эмас.

Бир йигит мен кутаётган шифокорга келган шекилли, ёнимга ўтирди. Юзи-кўзидан гиёҳванд экани билан тўрдари. Ёши қирқлардан ошган бўлса керак деб ўйлагандим, бироқ сўхбатлашиб, ҳали ўттизга ҳам бoрмаганим билдим. Дардини кимга айтишни билмай, тўлиб турган экан шекилли, гапира кетди: – Бибороқимман, киракашлик қилганман. Биринчи марта 18 ёшимда, 4-5 ёш катта одамнинг қистови билан гиёҳванд моддани татиб кўрганман. Ушанди етти киши эдик. Тўрт оғайним ўлди, иккиси қамалди. Орадан оғзинга вақт ўтгач, томирта олишни бошладим. Аввал кунига бир марта етарди, кейинчалик... Кечқурун керакли

меъёрда қабул қилгач: "Энди ташлаймиз, даволанамиз", деб бир-биримизга ваъда берардик. Афуски, бу қуруқ гап эди. Тахминан ўн соат ўтгач, яна хумори тутарди. Мақсадимиз битта эди: қардан бўлмасин пул топиб, яна томирта олиш. Бир оғайнимнинг ерта-онаси билиб қoлиб, уни ортўлага

га ҳаракат қилишади. Чунки пули йўқ одам бу иш билан шуғулланолмайди. Бошида бир-икки марта текинга бoришади. Кейин ўзини пул кўтариб келасиз ва фақат шунинг учун ишлашга мажбур бўласиз. Қисқаси, ўша "дори"нинг қўлига айланганингизни ўзингиз ҳам билмай қoласиз.

ГИЁҲВАНДЛАР ИРОДАСИ СУСТЛАРНИ ЙЎЛДАН УРАДИ

қамаб қўйишди. У хуморига чиқолмай, ўзини ўзи осиб қўйган. Оилалиман, бир ўғлим бор. Аёлим ишламайди. Биринчи марта гиёҳванд эканимни акамга айтганман. Акам: "Ёрдан берманан, касалхонага етказман", деди. Аёлим даволанинг, деб Худонинг зорини қиларди. Тиркичилигимизга акаларим ва қайнонам ёрдан бoриб туришарди. Ота-онам базан эътиборсизлик қилишгандир. Лекин ҳаммасига ўзим айбдорман. Бу оғу ҳаётимни синдирди. Энди ақлим кирди, уни ташлашга иродам етади. Коллежни тугатганман. Агар иш билан банд бўлсам, бу иллатдан узоқроқ юраман. Бу бoлага ўргатувчилар бир синаб кўр, зўр бўлади, дейишади. Ҳаммаси шундан бошланаркан. Улар пули кўп одамни тўрларига илтириш

Афуски, буну жуда кеч тушундим. Ҳаётимни дўзахга айлантириб бўлган эканман. Энди одамлар орасига, соғлом жамиятга қайтишим қийин бўлаяпти... Бу йигитнинг гапларини тинглаб, "Эй, одамзот, нега билиб туриб, ўзингни жарга улқитирасан?" дея ҳайқиргим келди. Ўзининг ҳаётини барбод қилиш эвазига бойлик орттираётганлар вақти келиб панжара ортига равона бўлишларини билсалар-да, бу ишдан ўзларини тия олмасликларини кўриб, ачинасан киши.

Ўзбекистон гиёҳванд моддаларининг ноқонуний айланishi-га қарши курашда халқаро ҳам-жамият олдидаги мажбуриятини тўлиқ бажаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатимиз БМТнинг "Гиёҳванд мод-

далар тўғрисида"ги, "Психотроп моддалар тўғрисида"ги ҳамда "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши кураш тўғрисида"ги конвенцияларига қўшилган. Шунингдек, 1999 йилда "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Конун (2000 йил

мақсад қилган Бахтиёр Ашуров, Рўзиёр Ўришбоев, Умид Сарикўлов, Хусниддин Сулаймоновнинг қилмишларига қонуний жазо тайинлаш учун суд ҳайъати аъзолари маслаҳат қилишга кириб кетиши.

Аниқланишича, бу кимсалар 2013 йилнинг февраль ойидан август ойигача ўзаро жиноий тил бириктириб, тергов жараёнида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган Соҳиб исмли кимсадан 14 миллион сўмга 900 грамм гиёҳвандлик моддасини сотиб олишади. Кўп миқдордаги бу ажал уруғини майдалаб сотишни режа қилишади. Аммо уларнинг ниятлари амалга ошмади. Навбатдаги "Қора дори" тадбирида улардан бирини ҳуқуқ-тартибот ходимлари қўлга олиб, шерикларининг ҳам қилмишларини фoш этишди.

Суд ҳайъати ҳукм ўқиди. Бахтиёр Ашуровга 17 йил, Рўзиёр Ўришбоевга 16 йил, Умид Сарикўловга 15 йил, Хусниддин Сулаймоновга 12 йил муддатга озолиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Қиссадан хисса шуки, бу офатга қарши ҳукуматимиз, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари кенг қўламли чора-тадбирлар кўраётганига қарамай, ҳали ҳам гиёҳвандлик балосига дучор бўлаётган ёшларнинг учраб туриши афсусланарликир. Демак, бу иллатга қарши курашни бир зум ҳам тўхташга ҳаққимиз йўқ.

Ботир БОБОЕВ.